

ЭГОЦЕНТРИЗМ - ШАХС ЙЎНАЛГАНЛИГИ СИФАТИДА

Аметова Мухаддас Сапарбаевна

Нукус шаҳри, 38-сонли мактаб психологи

Эгоцентризм тушунчаси ўз таркибида икки сўзни ташкил этиб, латинчада —ego— мен ва —sentrum марказнинг марказида, диққат марказида деган маънолардан келиб чиқиб, одамнинг атрофга бўлган муносабатини акс эттириб, шахснинг ўз мавқеига ёки индивидуал —менига қаратилиши билан тавсифланади[6]. Эгоцентризм (ёки эгоцентрик шахс) атамаси илдизининг маъносига эътибор қаратсак, инсон ўзига эътибор қаратадиган ва бошқаларга нисбатан бефарқ бўлганларга нисбатан ишлатилади. Қатор психологик изланишларда эгоцентризм тушунчаси шахс йўналишини тавсифлашда ишлатилади. Бу шундай муносабатлар тизимики, унда шахс ўзини асосий қадрият деб, бошқаларни эса унинг қарашлари ва қизиқишларига қарама-қарши деб тушунади. Шахснинг эгоцентрик йўналганлиги ўз —мени ва ўзини аҳамиятли қадрият деб тан олишга қаратилганлиги билан характерланади[2]. Улар бошқаларнинг фикрларини эътиборга олмаслик, диалогик нутқнинг йўқлиги, ўзгаларнинг мулоҳазаларига диққатсизлик ва чекланган тажрибалари юзасидан тугалланган хулосаларни бошқа инсонлар қарашларини ҳисобга олмасдан гапиришга интилиш каби хусусиятлари билан яққол ажралиб турадилар. Катта инсонларга нисбатан ишлатилганда, эгоцентризм ўз-ўзи билан машғул бўлишни ва доимий равишда ўзига диққат-эътиборни йўналтириб туришни англатади, болаларга нисбатан эса, Ж.Пиаже назариясига асосан, болаларнинг ўз нутқига, фикрларига бўйсунитишни англатади. Эгоцентрик нутқ - бу боланинг фақат ички эҳтиёжлар ва фикрларга бўйсунувчи, уларга хизмат қиладиган нутқдир. Болалардаги эгоцентрик нутқ феномени, Жан Пиаженинг сўзларига кўра, мактабгача ёш даврларнинг охирларига тўғри келиб, бу ташқи мулоқотнинг ички мулоқотга ўтиш даврининг белгиси бўлиб ҳисобланади ва унинг фикрича, эгоцентрикнинг ҳаёти унинг ижтимоийлашув жараёни билан белгиланади. 3-4 ёшдаги болаларда эгоцентрик хулқ-атвор хусусиятлари юқори даражада намоён бўлиб, бу хулқ боланинг ижтимоий муҳитга мослашуви билан секин-аста камайиб бораверади[4]. Бола бошқа одамлар билан қанчалик кўп мулоқот қилса, у шунчалик катта бўлиб ақли ҳам ривожланиб боради ва унда эгоистик қарашлар ҳам камайиб бораверади[1]. Шахснинг муайян ёшларида намоён бўлувчи эгоцентрик хулқ кўринишларидан бири бу - когнитив эгоцентризм бўлиб, шахс шаклланишида динамик кўринишларда намоён бўлади, масалан, 12-14 ёшда, яъни ўсмирлик даврида энг юқори кўрсаткичга эга бўлади ҳамда илк ўспиринликда пасаяди. Шахс хусусиятлари сифатида эгоцентризм - бу шахснинг ўз хулқ-атвори, хусусиятлари, ҳатти-ҳарактлари, қизиқишлари, мақсадларини ўзига хос тарзда

таҳлил қилиш тури сифатида ҳам намоён бўлади. Эгоцентризм бу шундай эгоцентрик йўналишки, у бошқалар билан реал муносабатларда ўз-ўзини ажратиш, алоҳида деб билиш билан ифодаланади. Бундай хусусият эгоцентрик эҳтиёжларни амалга оширишнинг ўзига хос усули бўлиб, унга муваффақиятга бўлган эҳтиёж, хушёқиш, ўзини-ўзи таъкидлаш ва ўз – меннини ҳимоя қилиш кабилар киради[3]. Вояга етган шахсдаги юқори даражада эгоцентризм нафақат бошқа одамлар билан бўлган муносабатларда, балки, ўзининг хулқ-атвор кўринишларида ёки фикрлашидаги нутқнинг тузилишида эготизм (ўзини жуда юқори баҳолаш) сифатида намоён бўлади. Эгоизм бу - бошқа одамлар ва ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларидан қатъий назар, инсоннинг шахсий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш истагидир. А.А.Бодалев таҳрири остидаги “Мулоқот психологияси” номли энциклопедиясида: Эгоизм бу - шахснинг эгоистик йўналганлиги, эгоцентрик шахс томонидан ўз шахсига ва мавқеига қаратилган бўлиб, ўзининг манфаатлари ва ўзаро таъсир мақсадларини бошқаларникидан юқори қўйиш сифатида намоён бўлади, деб таърифланган.

Эгоист шахс ўзининг эгоистик интилишлари туфайли нафақат моддий мақсадларга эришиш, балки аторофдагиларнинг назарига тушиш орқали ўз менини кўрсатишни ўзига мақсаб қилиб олади. Эгоизм бетараф, бепарқ шахс хислати эмас, у агрессив ва тажовузкор, ихтирочи ва қасоскордир. Одамлар хулқ-атворидаги эгоизм ва унинг кўринишларини ўзига хос ўрганиш дастлаб К. Муздыбаев томонидан амалга оширилган бўлиб, у эгоистик ҳатти-ҳаракатга кўпроқ мойил ижтимоий гуруҳларни аниқлаш, уларнинг профессионал ва ижтимоий ҳолати, ёши ва гендер фарқларини тадқиқ этди. Тадқиқот натижалари эгоистларнинг бошқалар билан муносабатларда улар билан шахсий алоқаларни бузадиган. бир қатор шахсий хусусиятларга эга эканлиги ҳақида хулоса қилиш имконини берди. Эгоистларда бурчига бепарволик ҳисси юқори бўлиб, улар учун тажовузкор хулқ-атвор шакллари (кураш, ўч олиш, инсофсизлик.) билан бирга уларда қасоскор, мағрур ва айни пайтда оптимистик ва адолатли дунёга ишониш ҳислари ҳам қайд этилди. Ижобий хусусиятлардан - бошқа кишиларга ҳазил туйғуси, оптимизм каби нисбатан бетараф хислатларни ҳам намоён этади. Улар адоват, ҳасад, худбинлик, беадаблик ва захарлиликни ўзларининг бевосита муҳитларига нисбат берадилар. Эгоизм одатда ўз-ўзига юқори баҳо бериш ҳамда авторитар йўналганлиги билан устун бўлиш каби хусусиятлари билан кўзга ташланади. К.Муздыбаевнинг фикрича, эгоизмга мойиллик шахснинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, инсон ёши улғайган сари, эгоизмга мойиллик даражаси ҳам пасайиб кетади[5]. Ҳозирги кунда психологияда шахснинг эгоистик хулқ кўринишларини ўрганиш бўйича адабиётлар етарли эмас, уни экспериментал ўрганишга бўлган эҳтиёж эса психодиагностик методикаларга бўлган талабни кучайтиради. Шунинг учун шахсдаги эгоизмга мойиллигини ўрганиш, унга таъсир этувчи омилларни

назарий ўрганиш ва психологик экспериментал методикалар, сўровномаларни ишлаб чиқиш бизнинг олдимиздаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда шахснинг маънавий камолоти ҳамма вақт ҳам муҳим масалалардан бўлиб келган. Бошқа соҳалар қатори психология фани ҳам шахс хулқ-атворининг ижобий томонларини шакллантиришда ўзининг амалий жиҳатлари билан тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Шундай экан, жамиятда салбий хулқ сифатида қараладиган айрим хулқ кўринишлари, хусусан, эгоизмни тадқиқ этиш, психокоррекцион ишларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради, шунингдек, шахсдаги эгоистик хулқни коррекция қилишда ижтимоий психологик тренинглар, ролли ўйинлар ва психологик машғулотларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш натижасида юқори натижаларга эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пиаже Ж. Речь и мышление ребенка М.; Л., 1932. 42-б
2. Фром, Э. Душа человека. М.: АСТ-ЛТД, 1998. 8-б.
3. Столяренко, Л.Д., Самыгин, С.И. Психология и педагогика вопросах и ответах. Ростов – на –Дону: Феникс, 2009. 157-б
4. Леонгард, К.Акцентуированные личности. М.: ЭКСМО - Пресс, 2001. 244-б
5. Муздыбаев К. // Социол. исслед. 1992. №11. Б.94—101
6. Ильин.Е.П. Психология помощи. Альтруизм, эгоизм, эмпатия. Питер. 2013.110-б